

Овозимизнинг муайян хусусиятлари



17:00 / 26.11.2020 2078

Олимлар ҳар бир инсонда бошқаларда учрамайдиган овоз бўлишини айтадилар. Шу боис ҳам махфий сўз ўрнига овоздан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир инсоннинг овози ўзига хослигига Қуръони Каримда ишора қилинган.

Инсон овози устида ўтказилган узоқ ўрганишлардан сўнг маълум бўлдики, ҳар бир инсоннинг овози бошқаларникидан ажралиб турар экан. Олимлар инсон овози биз ўйлаганимиздан кўра анча мураккаб товуш эканини айтмоқдалар. Си Эн Эн сайтида айтилишича, бизнинг товушимиз бетакрор ёки бармоқ изларимизга қараганда кўпроқ ўзига хосдир. Овозимизнинг муайян хусусиятлари бўлиб, булар 100 дан ортиқ экан. Баъзи хусусиятлар товуш пайларимизнинг пишиқлиги ва узунлигига боғлиқ бўлса, баъзилари тилимиз шаклига, бурнимиз тешиқларига боғлиқ бўлади. 50 фоиз хусусият

эса бизнинг шахсиятимизга алоқадор бўлади. Масалан, овоз оҳанги, жангдорлиги, тез гапириш кабиларга боғлиқ.

Бугун олимлар махфий сўз (парол) ўрнига овоздан фойдаланишга уринмоқдалар. Шунинг учун банк билан алоқа қиладиган ҳар қандай шахсни махфий сўз ишлатмай, шахсини суриштирмай, телефон қўнғироғи орқали аниқлаш имкони бор экан. Овоз изи ҳар қандай махфий сўздан нозикроқ ва аниқроқдир.

Шу ўринда савол туғилади: «Қуръони Каримда бир кишининг овози бошқаларникига ўхшамаслигига ишора борми?»

Агар Қуръони Каримни тадаббур қилиб ўқисак, унда Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни мунофиқлардан огоҳлантирганини топамиз. Лекин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мунофиқларни қандай ажратиб, таниб оладилар? Сиймоларидан ва овозларидан, гапларининг оҳангидан таниб оладилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نَحَلِّ يَوْمًا فَنَنْفَعُ لَوْ مُمْرِطًا سَبَّ مَثَفَرَعَلَفْ مُمْرِطًا نِيْرَالْءِشَنْ وَّلْو
مُمْرِطًا مُمْرِطًا مُمْرِطًا مُمْرِطًا مُمْرِطًا

«Агар хоҳласак, уларни сенга кўрсатар эдик, таъкидки, сен уларни сиймоларидан таниб олар эдинг. Ва таъкидки, сен уларни гап оҳангларида танийсан. Аллоҳ амалларингизни билиб турур».

(Муҳаммад сураси, 30-оят).

Оятдаги «гап оҳангларида» деб таржима қилинган жумла арабчада «фий лаҳнил қовл» бўлиб келган. «Лаҳнул қовл» гапни саҳиҳ тарафидан бошқа тарафга мойил қилиш, буриш дегани. Бунда гапириладиган гап бошқа, асл мақсад бошқа бўлади. Асл мақсад гапнинг оҳангидан, овоздаги ўзгаришдан сезилиб қолади. Мана шу оҳанг гапирувчининг табиатига, шахсиятига далолат қиладди. Мўминнинг овози, товуши табиати мунофиқ ёки ёлғончининг овози табиатидан фарқ қиладди. Юқоридаги оят ёлғон гапиришга ёки қалбида бўлмаган нарсани сўзлашга ёки маълумотларни сохталаштиришга уринувчи ҳар бир инсоннинг мақсади унинг овози орқали фош бўлишига далолат қиладди.

Шунинг учун олимлар «Ҳеч бир инсон бошқа бир инсонга тақлид қилолмайди» дея таъкидлайдилар. Чунки овоз гапирувчининг шахсияти ҳақида энг нозик таъбир қилувчи воситадир. У инсон шахсиятини бармоқ

учларидан кўра кўпроқ баён этади. Чунки инсоннинг овози, гапириш пайтида ишлатадиган сўзлари, ибораларининг табиати бошқа шахсникидан фарқ қилади.

Субҳаналлоҳ! Инсоният яратилганидан бери неча-неча одамлар яшаб ўтишди. Уларнинг ҳар бирлари ўзига хос овозга эга эди. Аллоҳ таоло яратган миллиардлаб одамларнинг овозлари бир-бирлариникига ўхшамайди. Мана шундай турфа хилликни Аллоҳ таоло яратганми ёки тасодифан бўлиб қолганми? Албатта, Одам алайҳиссаломдан тортиб то бугунги кунда яшаётган инсонгача барчасини яратган, бундан кейин қиёматгача келадиган инсонларни яратадиган, уларнинг товушларини турлича қилган ва қиладиган Аллоҳ таолонинг Ўзидир!

Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади